

ISSN 2181-7324

# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

№ 1/5 ✧ 2015



*Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
йўналиши*

*Направление  
социально-  
гуманитарных  
наук*

*Social-  
humanitarian  
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✧ АСТА NUUZ

|                                                                                                                             |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Пирназарова М.М. Шахсда социализация ва инкультурация жараёнларининг этнопсихологик хусусиятлари.....                       | 152 |
| Сайфуллаев Д.Б. Дипломатияни тадқиқ этишга аънавий ва замонавий ёндашувлар.....                                             | 158 |
| Самиева Ш.Х. Ўқувчиларда эстетик дунёқарашни ривожлантиришда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни.....                          | 162 |
| Сарманова Г.Н. Болалар билан мулоқотда педагогнинг маҳорати.....                                                            | 165 |
| Фузайлова Г.С. Приоритеты развития педагогической профессии в условиях непрерывного образования.....                        | 167 |
| Саидов А., Расулов Ж. Ўқитувчиларга қўйиладиган педагогик-психологик ва касбий талаблар.....                                | 170 |
| Солиева Н.Э. "Идеосфера" тушунчасининг умуминсоний ва миллий хусусиятлари.....                                              | 172 |
| Султанова Г.С. Постноклассик фалсафада методология ва тафаккур тарзи (Эпистемологик таҳлил).....                            | 175 |
| Тайлакова Ш. Оммавий ахборот воситалари ўқувчиларни ижтимоий тарбиялаш омили сифатида.....                                  | 178 |
| Турдиев Ш.Р. Талабаларни касбга йўналтиришда математик моделлардан фойдаланиш.....                                          | 181 |
| Тухтасинова Н.Р. Проектная методика обучения письменной речи студентов на английском языке.....                             | 185 |
| Тўқбоева Д. Шахс маънавий ижодкорлигини юксалтиришнинг психологик хусусиятлари.....                                         | 188 |
| Убайдуллаев И.А. Глобал иктисодий интеграция жараёнларида неоиқтисодиётни геоиқтисодий тафаккур орқали англаш хусусида..... | 190 |
| Узакбаева Ж.Х. Ўқитувчининг касбий фаолиятида инновация ва унинг ўрни.....                                                  | 194 |
| Фармонов Ў.Н. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятига ижодий ёндашув хусусиятлари.....                                 | 196 |
| Хакназаров Х.Д. Замонавий ёшлар кундалик турмуш тарзи: аънавалар ва трансформацион жараёнлар.....                           | 199 |
| Ҳамзаев Ҳ.Х. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини соғлом бола шахсида ижтимоий фаолликни шакллантиришга тайёрлаш.....      | 204 |
| Хидоятлов Р., Ҳакимов О. Ўзбекистонда экологик хавфсизлик – соғлом турмуш омили.....                                        | 207 |
| Ходжиева Ф.О., Эшонқулова Д. Ёшларни ўқитишнинг самарали усуллари.....                                                      | 209 |
| Холмахматов А.Х. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари.....                                       | 212 |
| Юлдашев С.Р. Одам савдосининг олдини олиш ва профилактика қилишда жамоат ташкилотларининг ижтимоий функциялари.....         | 216 |

#### Филология

|                                                                                                                                                                             |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Алимов А.Н. "Ўғузнома"да мифологик қатлам масалалари.....                                                                                                                   | 221 |
| Баходиров Ж.А. Реклама ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида.....                                                                                                             | 224 |
| Бахронова Д.К. Лингвوماданиятшуносликда гендер ва мақсадли концептуал гендер стереотиплари ҳақида.....                                                                      | 227 |
| Жафаров Б. "Кодекс куманикус" – туркий халқларнинг муштарак ёзма обидаси.....                                                                                               | 233 |
| Нарбабаев Ж.Ф. Бетакрор бадиий санъат.....                                                                                                                                  | 236 |
| Расулова У. Қиссаларда ишқ талқини.....                                                                                                                                     | 239 |
| Хасанова Л. "Бадоеъу-л-бидоя" девонида ит образи талқини.....                                                                                                               | 243 |
| Ҳамроев К.У. Ҳикоя структураси ҳақида.....                                                                                                                                  | 246 |
| Ахмедов А.Б. Янги лексиканинг адабий нормага мос қўлланилишида акцент ўзгаришлари.....                                                                                      | 250 |
| Ахмедова Г.М. Нутқий мулоқот маданиятига доир билим, кўникма ва малакалар.....                                                                                              | 254 |
| Валитова М.Б. Некоторые вопросы перевода в английском и узбекском языках.....                                                                                               | 258 |
| Жумаева С.М. Развитие устной речи с использованием фразеологизмов.....                                                                                                      | 261 |
| Жўраев Ғ.А. Тил ҳодисаларини изоҳлашда лингвомаданий омиллардан фойдаланиш масалалари.....                                                                                  | 264 |
| Иброҳимхўжаев И, Икромов Т.Т. Окказионал кўшма сўзлар ва уларнинг баъзи бир хусусиятлари ҳақида.....                                                                        | 267 |
| Икратова С. Оламнинг лисоний манзараси: тушунча ва талқин.....                                                                                                              | 270 |
| Кенджаева З.А. Интертекстуальность как объект лингвистического исследования.....                                                                                            | 273 |
| Қарабаев С.Ю. Амир Ҳамза Шинворий китъаларининг бадиий-эстетик таҳлили.....                                                                                                 | 277 |
| Мустанова Ш.Р. Инглиз тилининг турли даврларидаги "Енгил феъл"ли аналитик қурилмаларнинг ўрганилиши борасида.....                                                           | 280 |
| Пак О.А. Лексические средства выражения категории эмотивности.....                                                                                                          | 283 |
| Пирманова Г.Н. Интеллектуально-творческие работы, задания и деятельность будущих учителей английского языка на внеаудиторных занятиях «Художественное наследие Англии»..... | 287 |
| Полванова С.Т. Баъзи теонимик компонентли фразеологик бирликлар генезиси ва уларнинг лисоний-маданий хусусиятлари.....                                                      | 292 |
| Пардаев З.А. Поэтик ифода ва пафос.....                                                                                                                                     | 296 |
| Раҳматқариева Г.Р., Сагдуллаев К.К. Ижод ёғдуси.....                                                                                                                        | 299 |
| Xolmurodova M. "Qutadg'u bilig" leksikasi badiiyligini ta'minlashda sinonimlarning o'rni.....                                                                               | 302 |



## НУТҚИЙ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИГА ДОИР БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАР

Аҳмедова Г.М. \*

## РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада янги авлод ўзбек тили дарсликларида қолип-гапларнинг ўзбекча мулоқот маданиятини оширишдаги ўрни, уларга оид билим, кўникма ва малакалар рўйхати, ўргатишдан мақсадни аниқлай олиш, уларни дарслик саҳифаларида беришдаги ютуқ ва камчиликлар кўрсатилди.

**Калит сўзлар:** қолип-гаплар, нутқий этикетлар, параметр, меъёр, мундарижа, мазмун, башорат қилиш, реплика.

Таълимнинг янгиланаётган моделлари яратилаётган бугунги тизимда ўқитувчи учун таълим олувчи эгаллайдиган билим, кўникма ва малакаларнинг аҳамиятини аниқ англаб етган ҳолда фаолият юритиш муҳим муаммо ҳисобланади. Бўлажак мутахассисларимизнинг юкори маданиятли, шижоаткор, юксак салоҳиятли бўлишларини таъминлаш учун дарсларнинг назарий ва амалий жиҳатларининг уйғунлигини ошириш таълим тизими олдида турган давр талабидир. Шу мақсадда таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсликларини таҳлил қилар эканмиз, уларда берилган қолип-гаплар (кўп микдорда) аксарият топшириқларнинг асосини қамраб олганлиги, лекин уларнинг таҳлили эса бу имкониятларнинг кўпидан фойдаланилмай қолаётганини кўрсатди. Ўзбек тилини ўқитиш жараёни, дарс босқичини ташкил этган ҳар бир иш турини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва шу мақсадга эришиш сари аниқ мўлжал билан иш олиб бориш учун ана шу мақсад ўқитувчига маълум бўлиши керак. Янги (илғор) педагогик технология, инновациялар шуни такозо қилади. Мақсадлар, айниқса, жуда кўп: асосий мақсадлар, бирор тил ҳодисасининг бирор нутқий фаолият тури билан боғлиқ мақсадлар, кичик таълимий бирлик, бирор мақсаддан кузатиладиган кичик бир мақсад каби кўплаб мақсадлар майдонга келади.

Ўзбек тили дарсларида саволга жавоб бериш талаб этиладиган машқлар кўп бажарилади, чунки дарсликларда бундай машқлар бисёр. Лекин ўқитувчи матнни ўзлаштириш мақсадини кўзда тутиб, ўқувчидан саволларига жавоб беришни талаб этадиган бўлса, ундан ўқитувнинг саволларига қандай жавоб қайтарганлигини, матннинг ўзлаштирилганлик даражасини назорат қилишдан бошқа талаб бўлмайди. Агар саволга жавоб машқидан ўқувчиларнинг диалогик нутқини ўстириш мақсади бўлса, нимага эришиш мумкинлиги аниқ бўлса, ана шу эришилаётган нарсаси кичик мақсадга айланмоғи даркор.

Умуман, ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги нутқий мулоқот маданиятини шакллантириш учун ҳам билим, кўникма ва малакалар кўринишидаги параметрлар (кичик мақсадлар) сифатида маълум бўлиши керак. Нутқий мулоқот фақат савол-жавоблардангина иборат эмас, албатта: суҳбатдошни эшитиш, жавобдан сўнг акс савол бериш, саволни рад этиш, суҳбатдошнинг саволига эътироз саволи билан мурожаат этиш, диалогда катталардан олдин суҳбатни бошламаслик каби ҳолатлар кузатилади. Шунинг учун нутқий мулоқотни

(диалогик нутқини) ўзлаштириш масаласига жуда кенг ёндашиш талаб этилади.

Биз нутқий мулоқот маданиятига доир билим, кўникма ва малакаларни белгилаб берар эканмиз, ўқитувчи олдида турган тор мақсадлар сирасини ҳам ҳавола қилган бўламиз. Ушбу билим, кўникма ва малакалардан хабар топган ўқитувчи ўзбек тили дарсликларининг диалогик нутқ ўстириш учун берадиган имкониятларига танқидий ёндашиши мумкин.

Нутқий мулоқотга киришиш, нутқ маданиятига риоя этиш учун муайян билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш такозо этилади. Мазкур билим, кўникма ва малакалар нутқий мулоқотни ўргатишга доир иш усулларини, машқ турларини, уларнинг микдори ва такрорланувчанлигини башорат қилиш, белгилаш ҳамда таълим жараёнини ташхислаб бориш имконини беради.

**Билимлар:**

- мулоқот одобига доир қоидалар, билим;
- диалогик шаклдаги нутқда иштирок этиш тартиби;
- мустақил равишда гап тузиб айтиш қоидалари;
- қолип-гаплар мундарижаси;
- у ёки бу қолип-гапни қачон ва қайси вазиятларда ишлатиш кераклиги ҳақидаги изоҳлар;
- у ёки бу қолип-гапнинг рус тилида қандай берилишини билиш;
- ўзбек тилигагина хос қолип-гапларни билиш;
- қайси русча қолип-гапларнинг ўзбек тилида муқобили йўқлигини билиш;
- ўзаро сўзлашув мавзуларини билиш;
- сўзлашувни бошлаш учун суҳбатдошини кизиқтирадиган мавзуни саволлар ёрдамида аниқлаш кераклигини билиш;
- савол ёки жавобда коммуникатив муддаони оҳанг ёрдамида ифодалаш лозимлигини билиш;
- суҳбатнинг жонли чиқишини таъминлаш йўллари билиш (суҳбатдошга қараб савол бериш ёки жавоб қайтариш; суҳбатдошнинг исмини айтиб мурожаат этиш; у ёқтирадиган ва ёқтирмайдиган гапларни ҳисобга олиш ва ш.к.);
- суҳбатдошнинг саволи ёки жавобини тушунмаганда қайтаришни илтимос қилиш мумкинлиги;
- реплика турларини билиш.

**Кўникмалар:**

- диалог намунасида акс этган мулоқот одобига риоя қилган ҳолда ўзаро сўзлаша олиш;
- диалогик шаклдаги нутқда намунада талаб этилган тартибда қатнаша билиш;

\* Аҳмедова Г.М. – ТПТИ ўқитувчиси, п.ф.н.

– берилган гап намунаси асосида тузилиши жихатидан ўхшаш гаплар тузиб айта олиш;  
 – колип-гапларни ёддан айта олиш;  
 – берилган изоҳларга таянган ҳолда у ёки бу колип-гапни сўралган вазиятда ишлата билиш;

– у ёки бу колип-гапнинг ўзбек тилидан рус тилига ва, аксинча, рус тилидан ўзбек тилига сўзма-сўз, аналогияси ёки мукобили билан (фаркли) таржима қила олиш;

– ўтилган сўзлашув мавзуларининг ҳар бирида ўзлаштирилган намуналар асосида мулоқот олиб бора олиш;

– сўзлашувни бошлаш учун суҳбатдошини қизиқтирадиган мавзунини саволлар ёрдамида аниқлай билиш;

– ўрганилган тил ҳодисалари доирасида савол ёки жавобда коммуникатив муддаони оҳанг ёрдамида ифодалай олиш;

– суҳбатнинг жонли чиқишини таъминлаш усулларидан фойдалана билиш;

– суҳбатдошининг саволи ёки жавобини тушунмаганда қайтаришни илтимос қила олиш;

– диалогик шаклдаги нутқда ҳар хил мазмундаги реплика турларидан фойдалана билиш.

#### Малакалар:

– ўтилган сўзлашув мавзулари доирасида мулоқот одобига риоя қилган, бир-бирини тушунган ҳолда тартиб билан ўзаро сўзлашиш;

– тузилиши ўрганилган гап қурилмалари доирасида тўла мустақил равишда гап тузиб айтган ҳолда нутқий мулоқотда эркин иштирок этиш;

– диалог шаклдаги нутқда колип-гаплар бойлигидан ўринли фойдаланиш;

– суҳбатдошни турли саволлар бериб суҳбатга торта олиш;

– савол ёки жавобда коммуникатив муддаони оҳанг ёрдамида ифодалаш;

– суҳбатнинг жонли чиқишини таъминлаш;

– диалогик шаклдаги нутқда ҳар хил мазмундаги реплика турларидан фойдалана билиш.

Ўзбек тилида нутқий мулоқот маданиятини эгаллашда муомала маданиятини эгаллашга доир **билимлар** муҳим роль ўйнайди. Бундай билимлар айрим дарсликларда назарий маълумотлардан фойдаланмаган ҳолда матнлар таркибида келтирилган.

Қолип-гапларга доир билимлар 6-7-синфлар дарсликларида [5,122,139], [6,66-69] (“Шарқона одоб”, “Меҳмондўстлик”, “Совға бериш одоби”, “Бобом хотиралари”, “Яхши сўз - яхши ҳусн”, “Сиз ҳам, сен ҳам бир оғиздан чиқади”) матнлари асосида берилган.

Чунончи, бу матнларда бирор нарсани тушунмай турганда одоб ва мулоқот билан қайта сўраши, «Меҳмон кутиш» матнида меҳмонни кутиб олиш ва унга кўрсатиладиган ҳурмат ва муомала одоби ифодаланган, «Совға бериш» матнида совға бериш ва бу жараёндаги муомала одоби ҳақида, ширинсўз бўлиш, сизлаш ҳақида маслаҳатлар келтирилган, масалан: «Бобом хотиралари» матнида қуйидаги гаплар айтилади: «Муаллим ва устозинг нима сўрасалар, қулиб туриб, одоб билан чиройли жавоб бер», лекин ўзбек

тилидаги мулоқот одоби ёки ўзбек халқининг мулоқот одобига доир қадриятлари жуда бой, дарсликларда бу бойликдан жуда кам даражада фойдаланилган, айниқса, 6-7-синфлардан бошқа дарсликларда бундай маълумотларнинг йўқлиги, ўқувчиларнинг шарқона нутқий мулоқот маданиятини эгаллашга етарли имкон бермайди.

Нутқий мулоқот маданиятига оид билимлар сирасида колип-гаплар алоҳида ўрин тутadi. Қолип-гаплар ёд олиб ўзлаштирилиши керак бўлгани учун лингвистик бирликлар саналади. Бундай гаплар деярли ҳар бир дароҳида машқ материали сифатида баъзан матнлар таркибида ҳавола этилади. 2-9-синфлар учун ўзбек тили дарсликларида колип-гаплар таъминан 100 дан ортади, бу яхши ҳолат. Лекин колип-гапларнинг жуда оз қисмигагина қайси нутқий вазиятда ишлатилишга доир изоҳ берилган. Бундай изоҳлар 10 га яқин. Ўқувчилар колип-гапларнинг кўп қисми ҳақида изоҳлар кўринишидаги билимлардан баҳраманд бўлмайдилар. Бу нарса айрим колип-гапларни ўринсиз ишлатишдан иборат хатоларга ўрин қолдиради.

Қолип-гаплар бўйича эгалланадиган билим уларнинг ўзи билан танишишдангина иборат бўлиб қолган. Аслида Давлат тилини ўрганаётган ўқувчилар уларнинг она тилида ифодаланиши, яъни таржимасини ҳам билиб боришлари керак. Ўзбекча колип-гапларнинг русча таржимаси кўрсатилган машқлар санокли дарсликлардагина келтирилган. Амалдаги янги авлод, айниқса, 2-9-синфлар учун ўзбек тили дарсликларида [1,47], [2,8,25,26], [3,11], [4,7], [5,38] бундай машқ материаллари яна ҳам кам. Бу дарсликларда колип-гаплар таржимасиз, изоҳсиз ҳолатда бериб ўтилган. Қолип-гапларнинг рус тилидаги аналогияси кўрсатилмагандан кейин ўқувчилар бу аналогияларнинг қайси ҳолатларда мос келиши, қайси ҳолатларда иккала тилда фарқлар мавжудлигини билмай қолаверадилар. Кузатишлардан маълумки, ўқитувчи ўқувчилардан ўзбекча колип-гапларни рус тилига таржима қилишларини сўраганда улар, асосан, сўзма-сўз таржимага мурожаат этадилар. Кўпинча хатога йўл қўядилар. Жумладан, «Хорманглар»ни «Не уставайте» деб, рус тилига нотўғри ўгирадилар. Таржиманинг тўғриси «Бог в помощь» дейишдир.

Билимларнинг бошқа турлари (суҳбатнинг жонли чиқиш йўллари)ни билиш, суҳбатдошнинг қайтаришини илтимос қилиш, реплика турларини билиш)да ўқувчилар рус тилидаги нутқий мулоқот маданиятини ўзбек тилига кўчирадилар.

Нутқий мулоқот маданиятига доир билимлар юзасидан тегишли **қўникмалар** ҳосил қилишга қаратилган таълимий машқлар бажарилади, қўникманинг юзага келишида дастлаб лўқмаларни ўзбек тилида оҳанг жихатдан тўғри айтиш ва шарқона одобга оид тавозъларни намоён этиш ҳисобланади. Дарсликларда савол-жавоб намуналарини, диалогик матнларни, колип-гапларни ўқишга доир машқ ва топшириқлар етарли бўлиши керак. Бир қатор дарсликларда юқоридаги гап ва материаллар берилса-да, уларни ифодали ўқиш диалогда бўлгани қаби диалог лўқмаларини бир-



бирига қарата зарур коммуникатив оҳанг билан айтиш талаб этиладиган машқлар кўп эмас.

5-синф "Ўзбек тили" дарслигидаги мана 72-машқда лукмаларни ўқитувчи ортидан муайян қолип-гапларни қайтариш ва уларни нутқда ишлатишга доир топширик берилган: - *Марҳамат (Пожалуйста) - Раҳмат (Спасибо)* [7,44.]

Кўникма турларидан яна бири диалог намунасини ижро этиш саналади, бундай машқлар ўқувчиларни савол бериб, жавоб беришга одатлантиради. Бундай машқлар лукмаларнинг оҳангини эгаллаш баробарида ўқувчиларни савол бериб, жавоб беришга одатлантиради, қолип-гапларни ўқувчилар нутқига олиб киришга ёрдам беради.

Умуман, ўзбек тили дарсликларида ўқувчиларнинг нутқий мулоқотга доир дастлабки кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи машқ турлари бир тизимни ифода этиши керак, лекин дарсликларда бундай тизим мавжуд эмас.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тилидан яратилган дарсликларни ўрганиш шунини кўрсатдики, уларда айрим машқ турлари деярли ҳаммасида кўплаб учрайди, баъзиларида эса айрим машқ турлари санокли дарсликларда тавсия этилади. Шунга кўра машқ турларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) бир неча дарсликда учрайдиган миқдор жиҳатдан кўп машқлар; 2) айрим дарсликлардагина тавсия этилган, лекин миқдор жиҳатдан оз машқлар.

Умуман нутқий мулоқот маданиятига доир кўникмаларни шакллантиришга қаратилган қуйидаги машқ турларини ажратиш мумкин:

1. Диалог намунасини ўзлаштиришга қаратилган машқлар.

2. Диалог намунасини тўлдириш орқали айрим лукмаларни ўзлаштиришга қаратилган машқлар.

3. Бошланиши берилган диалогни давом эттириш талаб этиладиган машқлар.

4. Нутқий вазият асосида диалог тузишга оид машқлар.

5. Расмлар асосида диалог тузишга доир машқлар.

1-машқ турига тайёр савол-жавоблар, диалог намуналарини ижро этиш машқлари киради.

2-машқ турига берилган саволлар асосида жавобларни тиклаш, берилган жавоблар асосида саволларни топиш, нукталар ўрнига тегишли қолип-гапни ёки мулоқот одобига доир муомала сўзларини қўйиш талаб этиладиган машқлар киради.

3-машқ тури айрим ўқувчиларда суҳбатни давом эттириш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилади, суҳбатни давом эттира оладиган ўқувчи бора-бора ўзи мустақил равишда мулоқотга кириш малакаларини эгаллай бошлайди. Лекин бундай машқлар ўзбек тили дарсликларида етарлича берилмаган.

4-машқ тури ўрганилаётган лукмаларни нутқий вазиятлар билан боғлаш, нутқий вазиятга таяниб, уларни ёдга келтириш кўникмаларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Чунки нутқий вазиятлар диалог намунасини бериб қўймаган ҳолда уни тузиш учун ўқувчига туртки бера олади. Лекин бундай машқлар санокли дарсликлардагина 4-5 [9,32], [10,75,118] жойда тавсия этилади.

5-машқ тури ҳам расм асосида нутқий вазиятни англатиш ва диалогни юзага келтириш учун қудратли омил саналади. Расм нутқий вазиятни кўрсатмали тарзда англатиб туради. Ўқувчи шу таянч асосида мулоқотга киришади, кириш тартибини ва мазмунини коммуникатив ниятларни кўради, ҳис этади ва мулоқотда онгли равишда иштирок этишга ҳаракат қилади. Бундай машқлар ўзбек тили дарсликларида оз бўлса-да, учраб туради. Бундай машқлар бошланғич синф дарсликларида кўп [8,42], [9,54], юқори синфларда уларга кам мурожаат этилган.

Юқорида санаб ўтилган малакаларни шакллантиришда ўзбек тили дарсликларининг машқ материалларининг етарли ёки етарли эмаслиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу машқларда ўқувчиларга ўзбек тилида эркин сўзлаша олиш имконини берадиган, шунини ўргатадиган машқ турларига эътиборни қаратишимиз тўғри бўлади. Биз бу машқларни берилган мавзуда мустақил равишда диалоглар яратиш (сўзлаша олишни), бунда тўлиқ мустақил равишда гап тузишни, қолип-гаплардан билиб фойдаланишни, суҳбатни вазиятга қараб мустақил давом эттира билишни талаб этадиган машқ турлари сифатида тасаввур қиламиз.

Дарсликларда суҳбатни давом эттириш, расм асосида мустақил равишда ўзаро сўзлашиш талаб этиладиган санокли машқ турлари учрайди. [9,41] Лекин улар ҳам кўп эмас. Демак, китобларда ўқувчиларнинг нутқий мулоқот маданиятини машқ қилдириш учун етарли имкониятлар йўқ даражада. Бунинг ўрнини тўлдириш, ўқувчиларни етарлича сўзлатиш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ бўлиб қолади.

Хуллас, ўқитувчига ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги нутқий мулоқот маданиятини шакллантириш ҳам билим, малака ва кўникмалар кўринишидаги параметрлар (кичик максаллар) сифатида маълум бўлса, у ўзбек тили дарсликларида диалогик нутқ ўстириш учун берилган материалларга танқидий ёндаша олади, ушбу материалларни бир тизимга солиш ҳаракатида бўлади, машқлар ўртасида оқилона нисбатни юзага келтириб, уларни БКМлар нуктаи назаридан тўлдириб, етишмайдиганларини қўшиб, аниқ мақсад билан онгли равишда иш олиб бора олади. Таҳлиллардан маълум бўлишича, ўзбек тили дарсликларида ўқувчиларнинг нутқий мулоқот маданиятини шакллантиришга қаратилган айрим машқлар жуда кўп, айримлари жуда оз учрайди, айрим параметрлар бўйича эса машқ турлари етишмайди.

## АДАБИЁТЛАР

1. Tolipova R., Qodirova F., Ikromova N. va Ishoqova M. «O'zbek tili». Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 2-sinfi uchun darslik, 3-nashri, T.: «O'qituvchi», 2001.
2. Tolipova R., Исҳоқова М. «O'zbek tili». Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 3-sinfi uchun darslik, 2-nashri, «O'qituvchi», T.: 2002.
3. Tolipova R., Ubaydullayeva N. «O'zbek tili» Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarning 4-sinfi uchun darslik, 3-nashri, «O'qituvchi», 2003.
4. R.Tolipova, H.Yo'ldosheva, D.Qosimxo'jayevalarning Ta'lim rus tilida olib boriladigan umumta'lim maktablarining 5-sinfi uchun "O'zbek tili" darsligi. 3- nashri, T.: "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2005.
5. R.Tolipova, H.Yo'ldosheva, M.Shomirzayeva. «O'zbek tili». Ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 6-sinfi uchun darslik. 4-nashri, T.: «O'qituvchi» 2005.
6. R.Tolipova, I.Tursunova, M.Ochilova. "O'zbek tili" Ta'lim rus tilida olib boriladigan umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik.T.: "O'zbekiston", 2009.
7. Йўлдошев Р., Полвонова Р., «Ўзбек тили». Ўқишлар рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-синфи учун дарслиги., 2-нашри, Т.: «Ўқитувчи», 2000.
8. A.Rafiyev, G.Muhammadjonova, T.Toshpo'latov O'zbek tili: ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 2-sinfi uchun darslik.T.: "O'zbekiston", NMIU, 2014.
9. A.Rafiyev, G.Muhammadjonova, G.Ziyamuhamedova "O'zbek tili": ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning 3-sinfi uchun darslik, 3-nashr. T.: "O'zbekiston", NMIU, 2014.
10. A.Rafiyev, G.Muhammadjonova, N.Alovuddinova: O'zbek tili: ta'lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan umumta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik "O'qituvchi", NMIU, T.: 2011.

## РЕЗЮМЕ

В статье раскрыта роль речевых штампов, предоставленных в учебниках узбекского языка нового поколения в повышении узбекской культуры общения, а также умение определить список знаний, навыков и умений, цель их изучения, преимущества и недостатки речевых этикетов.

**Ключевые слова:** речевые штампы, речевые этикетки, параметр, мера, норма, содержание, суть, прогнозирование, реплика.

## RESUME

Article is revealed the role of communication etiquette in increase uzbek culture, which are illustrated in the Uzbek language textbooks of new generation. The ability to detect the list of knowledge, skills, the aim of learning, advantages and disadvantages of communication etiquette are also determined in this article.

**Key words:** communication ethnics, parameter, method, norma, content, purpose, prediction, replica.

## **“ЎзМУ хабарлари” журналида илмий мақолалар эълон қилиниши учун талаблар:**

1. Чоп этиладиган материалларни тақриздан ўтказишнинг мажбурийлиги (зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК сўрови асосида тегишли тақризни тақдим этишнинг мажбурийлиги).
2. Чоп этиладиган илмий мақола куйидаги талабларга жавоб бериши шарт:
  - ўзбек, инглиз ва рус тилларида қисқача резюменинг мавжудлиги, калит сўзларнинг уч тилда берилганлиги,
  - фойдаланилган асосий адабиётлар рўйхатининг келтирилиши ва илмий мақолағинг камида 0.25 б.т. ҳажмида бўлиши,
  - муаммонинг қўйилиги, матер алнинг назарий-методологик ва услубий жиҳатдан пухталиги, манбаларнинг ишончилиги, муаммо, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг асослилиги,
3. Мақоланинг электрон варианты CD дискда қабул қилинади.

### **ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

Журнал олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторант, аспирант, юкори курс талабалари, илмий ходимлар, илмий текшириш муассасалари ходимлари ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётган ходимларга мўлжалланган.

Журналда илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, ечимини кутаётган масалалар акс этган мақолалар, бошқа мамлакатлардаги фан ва техникага оид янгиликлар, ЎзМУ ва бошқа олий ўқув юртларида ўтказиладиган конференциялар ва анжуманлар ҳақида ахборотлар, илмий хабарлар чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 02-0071 гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.

ЎзМУ «Редакция нашриёт» бўлими компютерида саҳифаланди.

Журналнинг баҳоси келишилган нархда. Индекс 752074.

Манзилимиз: Тошкент – 700174, Талабалар шаҳарчаси-174, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, бош бино, 6-қават, 61-хона.  
Тел. (ички): 347

Босишга рухсат этилди: 04.12.2015 й. Бичими 60х84 1/8. Нашр табоғи 38 б.т.  
Буюртма № 175. Адади 120 нусха. ЎзМУ босмахонасида чоп этилди.